

Elim deb, yurtim deb yonib yashash kerak!

Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2013-yil 5-mart, seshanba № 18 (15656)

2013-yil — Obod turmush yili

МАМЛАКАТИМИЗНИ ЯНГИЛАШ ЖАРАЁНЛАРИДА МАҲАЛЛАНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ ТОБОРА ОШИБ БОРМОҚДА

Кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш, унинг институтлари, жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги иштирокини кенгайтириш истиқлол йилларида Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан амалга оширилаётган ҳамда аҳоли ҳаёт сифати ва фаровонлигини янада оширишга қаратилган кенг қўламли ислоҳотларнинг муҳим таркибий қисмидир.

«Обод турмуш йили» Давлат дастурининг олтинчи бўлимида маҳалла институти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, жойлардаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, ёш ва кам таъминланган оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш, маҳаллалар ҳамда аҳоли турар-жойларининг қиёфасини яхшилаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга оид масалаларни ҳал этиш борасидаги ўрни ҳамда аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари белгиланган.

Давлат дастурини бажариш доирасида маҳаллалар ва қишлоқларни обод қилиш бўйича кенг қўламли ишлар изчил давом эттирилади. Шу мақсадда «Замонавий маҳалла» меъморчилик-режалаштириш намунавий лойиҳалари ишлаб чиқилади, мавзе ва маҳаллалардаги йўллар ва кўчаларни капитал ва жорий таъмирлаш, шунингдек, уларнинг ташқи ёритиш тизимларини қайта тиклаш, реконструкция ва модернизация қилиш, капитал таъмирлаш дастури тасдиқланди. Намунавий лойиҳаларга мувофиқ яқка тартибдаги ва кўп қаватли турар-жойлар, биноларнинг олд қисмини ва томларини таъмирлаш, маҳаллалар ҳудудидаги ирригация ҳамда дренаж тизимларини янгилаш кўзда тутилган. Кўчалар ва йўлақлар замонавий услубда таъмирланади, уларнинг ёритиш тармоқлари энергия тежовчи технологияларни қўллаш ҳисобидан яхшиланади. Аввал қурилган болалар майдончаларини реконструкция қилиш ва янгиларини барпо этиш, ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш режалаштирилган. Мини-футбол, баскетбол ва волейбол машғулотлари учун спорт майдончалари кўпаяди.

2013-2015 йилларда кўкаламзорлаштириш бўйича катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилади. Маҳаллалар ичидagi кўчалар бўйларига ва маҳсус ташкил этиладиган «яшил» ҳудудларга ҳар йили 15 миллионга манзарали ва 29,5 миллионга мевали дарахт, шунингдек, 10 миллионга бута ҳамда гул кўчатлари экилади. Буларнинг барчаси дам олиш, аҳолини эстетик тарбиялаш ва соғломлаштириш учун зарур шарт-шароитлар яратишга хизмат қилади.

Турар-жойларнинг санитария ҳолатини янада яхшилаш, узоқ туманлардаги маҳаллаларни тоза ичимлик суви билан таъминлашни кенгайтириш, қишлоқда экологик вазиятни янада яхшилаш ҳам белгиланган муҳим вазифалар сирасига киради.

Ушбу муҳим ишларнинг аксарияти Давлат дастурида режалаштирилган қишлоқ жойларда ижтимоий инфратузилмани яхшилаш бўйича «Обод уйим» лойиҳаси орқали амалга оширилади. Бу ишларга нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳам кенг жалб этилади.

(Давоми 4-бетда)



Сардор Муллахонов фотокolleжи

Ayyom arafasida

Сиз билан диллар обод!

Камолот ЁИХ Навоий вилоят кенгаши ташаббуси билан Навоий шаҳридаги «Ёшлар маркази»да 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан «Аёл — обод турмуш яратувчиси» мавзусида бадий кеча ташкиллаштирилди.

Тадбирда вилоят Матбуот ва ахборот бошқармаси, Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими вакиллари ҳамда таълим муассасалари ўқувчилари иштирок этдилар. Икки босқичда бўлиб ўтган анжуманда даст-

лаб «Ёшлар маркази»да фаолият юритаётган «Лидерлар» жамоасининг иқтидорли ўқувчилари бадий чиқиш қилишди.

— Ёшларнинг орасида иқтидорлилари таллайгина, улар билан

ишлаш, ҳамфикр бўлиш, биргаликда фаолият олиб бориш ниҳоятда мароқли. Бизнинг «Лидерлар» тўғарагимиз ана шундай ёшларни бир ерга жамлаган. Бугунги тадбирда ҳам ўқувчиларимизнинг ёрдами катта бўлди, — дейди «Лидерлар» тўғараги раҳбари Хулқар Фафорова.

Тадбир давомида «Аёл — обод турмуш яратувчиси» мавзусида эълон

қилинган кўрик-танловнинг тақдирлаш маросими ўтказилди. Бунда ўқувчи-ёшлар аёл сиймосини ифода этган «Энг яхши шеър», «Энг яхши расм» ва «Энг яхши иншо» номинациялари бўйича мукофотландилар.

Дилдора КАТТАЕВА,
«Камолот» ЁИХ
Навоий вилояти
кенгаши бўлим
мудир

Hududlardan mujdalar

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ

Нукус шаҳридаги теннис мактабида теннис ва стол тенниси бўйича «Камолот» кубоги мусобақаси бўлиб ўтди.

«Камолот» ЁИХ Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва республика теннис турлари бўйича болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу мусобақада 1995 — 1997, 1998 — 2000, 2001 йилда туғилган ва ундан кичик ёшдаги 207 нафар ўғил-қиз қатнашди.

Ғолиб бўлган иштирокчиларга «Камолот» кубоги, диплом ва эсдалик совғалар топширилди.

Элликқалъада «Аждодлар мероси — келажак пойдевори» кўрик-танловининг туман босқичи якунланди. Унда мактаблараро саралаш босқичида ғолиб бўлган 5-, 7-, 17-, 20-, 22-, 29-, 30-, 40-, 47-мактаб ва 2-, 5-давлат ихтисослаштирилган мактаблари жамоалари белгиланган шартлар бўйича беллашди.

Танлов натижасига кўра, 2-давлат ихтисослаштирилган мактаби жамоаси кейинги босқичга йўлланма олди. Ғолиб ва иштирокчилар «Камолот» ЁИХ Элликқалъа тумани кенгаши томонидан диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Бўка туманидаги «Маданият» спорт мажмуасида стол тенниси бўйича «Камолот» маликалари мусобақаси ўтказилди.

«Камолот» ЁИХ Бўка тумани кенгаши, туман хотин-қизлар кўмитаси, туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими, болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу мусобақа тўққизта худудда 54 та мактаб ҳамда еттита касб-хунар коллежи ўқувчи-қизлари ўртасида бўлиб ўтди. Ғолиблик учун 108 нафар мактаб, 14 нафар коллеж қизлари кураш олиб борди.

Мусобақа сўнггида 52-мактаб ўқувчиси Дилсора Жононова, 31-мактаб ўқувчиси Мафтуна Мусахонова, Бўка қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежи ўқувчиси Нозима Бердиқулова, Бўка педагогика касб-хунар коллежи ўқувчиси Муштарий Собирова ғолибликни қўлга киритиб, вилоят босқичига йўлланма олди.

Тиниб-тинчимас жамоа

Бугунги ташаббус эртанги муваффақиятнинг муҳим белгисидир. Шу боис ташаббускор «Камолот»чилар фаолиятида доимо янгидан янги натижаларни кузатамиз. Қарши муҳандислик иқтисодиёт институтидаги «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилотидан ҳам ана шундай фаол ёшларни кўриш мумкин.

Хозир бошланғич ташкилот 5229 нафар талабани ўз атрофида бирлаштирган. Биз институтда бўлганимизда «Камолот» аъзолари «Қувноқлар ва зукколар» беллашувига тайёргарлик кўришаётган экан.

— Биз ҳар бир лойиҳани ўтказишга пухта тайёргарлик кўрамиз, — дейди Қарши муҳандислик иқтисодиёт институтидаги «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилоти етакчиси Аброр Раҳматов. — Албатта, бу ўз самарасини бермай қолмайди. Ўтган йили футбол мусобақасида вилоятда биринчи ўринни эгалладик. Волейбол ва баскетболда ҳам аъзоларимиз ўз маҳоратларини намоён этишди. Спортдан бошқа йўналишларда ҳам бўш келаяётганимиз йўқ.

Институтда ташкил этилувчи турли тадбирлар, байрамлар, адабий-бадий, мусиқий кечаларда «Камолот»чилар ҳамisha фаол. Ёшлар ўртасида кашандалик, жиноятчилик, ОИТС ва ОИВ каби иллатлар

тарқалишининг олдини олишга қаратилган давра суҳбатлари бошланғич ташкилот томонидан мунтазам ўтказиб турилади. «Гиёҳвандлик — ҳаёт душмани», «Биз одам савдосига қаршимиз», «Гиёҳвандлик — аср вабоси», «Гиёҳвандлик — инсон кушандаси» каби мавзулардаги учрашувлар ана шундай тадбирлар сирасидан ўрин олган.

— Қашқадарё вилояти ички ишлар бошқармаси, унинг туман ва ҳудудий бўлимлари билан ҳамкорликда ҳар ойнинг биринчи ўн кунлигида жиноятчиликка қарши курашишга доир учрашув ва давра суҳбатлари ўтказиб борамиз, — дейди Аброр Раҳматов. — Уларда талабаларга вилоятимизда содир этилаётган, ёшлар билан боғлиқ турли кўнгилсизликлар ҳақида маълумот берилади. Ёшлар бу борада ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, саволларига жавоб олишади.

Институт бошланғич ташкилоти томонидан «Камолот»

билан комиллик сари» лойиҳаси доирасида ўтказиб келинаётган тадбирларнинг ҳам самараси катта бўлаяпти. Айниқса, одам савдоси мавзусидаги тадбирлар, Эко+«Камолот» лойиҳаси, ёш тадбиркорлар анжуманлари ҳамда турли концерт дастурлари ёшларга манзур бўлмоқда. «Тафаккур синовлари», «Балли, йигитлар!» каби кўплаб интеллектуал мусобақа ва ўйинларда талаба-ёшлар ўз билимларини кўрсатиб келишмоқда.

Институтда ҳарбий хизматни ўтаб қайтган талабалар ҳам анчагина. Улар ҳам «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилоти аъзолари. Ўқиш ва жамоатчилик ишларида фаоллик кўрсатган бундай талабаларга «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан бир йиллик контракт пулининг 35 фоизи тўлаб берилади.

Институтда бошланғич ташкилот учун барча шароитлар яратилган. Ёшларга оид баннерлар, стендлар ҳамда турли плакатлар мавжуд. Ҳа, бу ерда бўлган кишида ҳақиқий ёшлик шижоати уйғонади. Бугун институт худудида «Камолот» боғи ҳам чирой очиб турибди. Боғда ўнлаб арча, тут, гилос, нок каби мевали ва манзарали

дарактларнинг кўчатлари ўтқазилган.

— «Камолот» боғида ҳар йили мавсумга қараб, ҳашар ишларини олиб борамиз, — дейди Аброр Раҳматов. — Мана, ўлкамизга баҳор ҳам кириб келди. Ҳадемай, ерга ишлов бериш, янги кўчатлар экиб, дарактларни оқлаш каби ишларни бошлаймиз. Талабалар нафақат институт худуди, балки атроф, шунингдек, шаҳардаги кўплаб диққатга сазовор жойларда ҳам ободонлаштириш ишларида фаол иштирок этишади.

— Ўқув машғулотларида назарий ва амалий дарс соатлари йўлга қўйилган, — дейди институтнинг иқтисодиёт факультети талабаси, «Камолот» стипендиаси соҳибаси Гулзода Дилмуродова. — Айниқса, амалий дарс соатлари жуда қизғин тарзда ўтади. Унда биз, талабалар ўша мавзу юзасидан турли баҳс-мунозараларга киришамиз.

Ўйлаймизки, фаол ва ташаббускор ёшлар йиғилган Қарши муҳандислик иқтисодиёт институтининг бошланғич ташкилоти бундан кейин ҳам юксак марралар сари одимлайверади.

Акбарали ХУДОЙБЕРДИЕВ

Iffixor

Нафосат тимсолига эҳтиром

Ҳаётини асосларга қурилган туб мақсадимиз — инсон омилига хизмат қиладиган эзгу ва умрбоқий ғоялар обод турмуш иборасида халқимиз ҳаёт тарзида намоён бўлди.

Булутлар билан бўйлашган азим дарактларни заминга ботган, бақувват илдирилган тутиб, куч бериб тураркан. Инсоннинг ўқилдизи эса обод турмушдан, ҳаловатли, тотув оиладан қувват олади. Оиланинг фаровонлиги, фарзандларнинг гўзал ахлоқи бўлиши оналарнинг ақл-фаросатига, мукаммал аёллик фазилатига боғлиқ. Бу фикрлар Президентимизнинг жорий йил бошида Ўзбекистон Хотин-қизларининг Республика конференцияси иштирокчиларига йўллаган табригида шундай сўзлар билан мукаммал ифодаланди: «Ҳар қайси оилада гўзаллик ва нафосат, меҳр-муҳаббат тимсоли, хонадонларимиз осойишталигининг посбони бўлмиш, бир сўз билан айтганда, оилани оилага, жамиятимизни жамиятга айлантирадиган аёл зотига қанча тасаннолар айтсак, қанча таъзим этсак — барибир барчамиз ўзимизни улар олдида доимо қарздор, деб ҳис қиламиз». Юртбошимизнинг аёл зотига юксак эҳтиром, ғамхўрлик йўғрилган бу сўзлари меҳри тўтиё ҳар бир ўзбек аёлининг қалбини тўлқинлантиргани шубҳасиз.

Оналар, аёллар ҳақида гап кетганда, файласуфлардан бирининг «Бизга яхши оналарни беринг, биз яхши одамлар бўлиб етишамиз», деган чуқур мулоҳазага чорловчи ҳикматини эсга оламиз. Унинг ҳаётини исботини жамиятдан излаймиз ва топамиз ҳам. Эътибор берсангиз, парвариш остида унган гулнинг парваришталаб, ёввойи



гулдан фарқи ер ва осмон қадар. Аёлни ҳам нозик гулга қиёс этиш мумкин. Эътибор, ғамхўрлик аёл учун муносиб парваришдир. Атрофдагиларнинг ўзига бўлган эътиборини ҳис этган имон-эътиқодли, фазилатли аёл ҳар қачон яхши фарзандларни камолга етказишни ўйлайди.

Бугун юртимизда яшаётган ҳар бир аёл-қизнинг ўзига яратилаётган имкониятлардан тўлақонли фойдаланиши учун барча шароитлар мавжуд. Мустақилликкача юртимизда илм-фан соҳасида кўзга кўринган аёл мутахассислар бармоқ билан санарли, тадбиркор аёллар эса умуман йўқ эди. Даврни қаранг, неъматни кўрингки, бугун илмнинг турли йўналишларидаги фан номзоди, профессор олимларни санаб адоғига етиш мушкул. Юртимиздаги қулай тадбиркорлик муҳитида самарали меҳнат қилиб, ўз бизнесини йўлга қўйган, ишлаб чиқариш, қайта ишлаш соҳаларида жонбозлик кўрсатётган тадбиркор аёлларнинг кўпини таниймиз.

Ҳар бир юртдошимизнинг хонадонидан, албатта, телевизор, радио бор. Дунёда юз бераётган воқеа-ҳодисалардан хабардоримиз. Кўпчилигимиз интернет орқали бошқа давлатлардаги

аҳволни биламиз. Биз билган давлатларнинг ҳаммасида аёллар ҳақ-ҳуқуқлари, эркинлиги тўла таъминланяпти, деб айтолмаймиз. Ўзини демократик давлат санайдиган мамлакатларда ҳам аёллар ўзини камситилган ҳис этади. Бироқ нолиган ўзбек аёлини учратмаймиз. Чунки халқимизда азалдан шаклланган аёл-қизларга ҳурмат, ғамхўрлик кўрсатиш каби олижаноб фазилатлар бунга йўл бермайди. Ҳар бир виждонли ўзбек ўғлини аёл деганда, мунис онаси, маъсума опа-сингилиси, муҳаббати оташин рафиқаси, меҳрибон қизини кўз олдида келтиради. Шу боис аёл тик турса, унга жой беради, қўлидаги юкни уйига қадар элтади, фарзандларини кўтаришиб, серкатнов йўлдан ўтказиб қўяди.

Юртимизда биз, аёлларга кўрсатилаётган чуқур эҳтиром ва муруватдан кўнглимиз тоғ қадар юксалмоқда. Бизнинг шу кунларга эришимизга сабабчи бўлган тинчлигимизга, осудалигимизга, халқимиз фаровонлиги ва обод турмушимизга кўз тегмасин, юртимизни ўзи асрасин, деган тилакни мудом тилишимизга, дилимизга жо қилиб яшаймиз.

Сайёра ТҲҲИЕВА, фалсафа фанлари доктори

Муסיқа рақсга, рақс спортга чорлайди

2013 йил 3 март. Соат 10:00. Пойтахтимиздаги «Юнусобод» спорт мажмуаси. «Нафосат олами» шиори остидаги «Соғлом авлод учун» кубоги II республика спорт фестивали. Ташкилотчилар — Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Sen Yolg'iz Emassan» республика жамоатчилиги болалар жамғармаси, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ҳамда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси.

Унда спортчилар яккалик ҳамда жамоа баҳсларида иштирок этишди. 1998 — 2004, 2000 — 2006 йилларда туғилган уч юз нафар ўсмир ўғил-қиз сузиш, синхрон сузиш, спорт гимнастики, бадий гимнастика, спорт рақси, гимнастрада бўйича ўзаро беллашди. Обод турмуш йили ҳамда 8 март — Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган фестивалда иштирокчилар-

нинг маҳорати, тажрибаси синовдан ўтди. Сув ҳавзасида старт олган сузиш мусобақаси ҳаяжон, қўллаб-қувватловчи чақириқларга бой бўлди. Натижада, Дилрабо Султонова, Дилдора Акмалова, Раҳмат Тўлаганов, Дмитрий Иванов биринчи ўринни эгаллади. Сўнгра балиқдай сузаётган қатнашчилар баҳси синхрон сузишга уланди. Чалқанчасига сувда ҳаракатланаётган-

лар томошабинларга завқ улашди.

— Тўрт йилдан буён синхрон сузиш билан шуғулланаман, — дейди Осиё Рўзметова. — Мана, мусобақада биринчи ўринни олдим. Аммо кўргангиздек, бунга эришиш осон бўлмади. Рақибларим менга атиги беш сонияга ютқазди. Бу келгусида рақобатнинг янада кучли бўлишини билдиради. Тўғри, Ш.Содиқова, М. Ҳақимова ҳам ғолибликка даъвогар эди. Аммо беллашув ўз номи билан беллашув-да. Унда кимдир ютади, яна кимдир ютқазади.

Соат 12:00 да спорт гимнастики мусобақаси бошланди. Муסיқа, оёқ-қўл ҳаракатларидан иборат рақс зални тебрантирди. Ишти-

Maydonda sinalganlar

рокчилар «Ча-ча-ча», «Титаник», «Маго» муסיқасида чиқишлар қилишди. Сайёра Нажмиддинова, Азиз Усмонхўжаев, Владимир Лапин соврндорлар қаторидан жой олди. Эътиборлиси шундаки, унда етти яшар бола ажойиб томоша кўрсатди. Сўнгра бадий гимнастика бўйича ҳам ғолиблар эълон қилинди.

Гимнастрада. Бу спорт тури эмас. Аниқроғи, у гимнастиканинг барча ҳаракатлар жамланмаси. Унда қатнашчилар жамоавий иштирок этишди. Олмазор тумани вакиллари биринчи, шайхонтохурликлар иккинчи ўрин соҳиби бўлган бўлса, учинчи ўринни Сергели тумани ёшлари эгаллади.

Соат 14:00. Фестиваль якунланди. Ғолиблар тақдирланди. Хурсандчилик кўз ёшлари сеанси бошланди.

Кумар БЕГНИЯЗОВА

Hududlardan mujdalar

НАВОИЙ

Вилоят «Ёшлар маркази»да «Тенгдош-тенгдошга» лойиҳаси доирасида «Соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз» мавзуида ўқув-семинар ташкил этилди.

Ҳаракатнинг вилоят кенгаши ташаббуси билан ўтказилган ушбу семинар гиёҳвандлик, спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотларининг салбий оқибатларига қарши курашиш, уларнинг ёшлар онгига таъсирининг олдини олишга бағишланди.

Семинарда Навоий вилоят наркологи диспансери ходимлари мактаб ўқувчиларига тушунча беришди. Дастлаб ичкиликбозлик ва кашандаликнинг ўсиб келаётган ёш авлод саломатлигига жиддий таъсирлари ҳақида сўз юритилди.

Шундан сўнг тадбир иштирокчилари гуруҳларга бўлиниб, амалий машғулотлар олиб боришди. Бунда жамоалар икки дақиқа оралиғида мавзуга оид ўз тарғибот дастурини ишлаб чиқди ва тенгдошларига тақдим этди. Гуруҳларнинг келажак авлод тарбиясида маҳалла, оила, мактаб ва ёшлар ташкилотларининг ҳамкорлиги тўғрисидаги тақдимотлари кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди.

СУРХОНДАРЕ

«Камолот» ЁИХ Сариосиё тумани кенгаши ташаббуси билан академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари ўртасида «Балли, шоввозлар!» кўрик-танлови ташкил этилди.

Ноанъанавий тарзда ўтказилган мазкур танловнинг саралаш босқичида саккизта жамоа таништирув, ҳангомали чиқиш, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳақида савол-жавоб, юмор-эстрада йўналишида сахна чиқишлари каби шартлар орқали беллашди. Қизиқарли ўтган беллашувда Сариосиё саноат ва хизмат кўрсатиш коллежининг «Шўх-шодон шоввозлар», Сариосиё қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежининг «Сайёд», Сариосиё педагогика коллежининг «Болажон», Сариосиё академик лицейининг «Дадо» жамоалари танловнинг кейинги босқичига йўлланма олди.

Танловда фаол қатнашган жамоалар Ҳаракатнинг туман кенгаши фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Ғолибларга имтиёзли кредит

Қарши шаҳридаги Муллаутўйчи Тошмуҳаммедов номидаги вилоят муסיқали драма театрида «Камолот» ЁИХ вилоят кенгаши ташаббуси ва вилоят ҳокимлиги, Марказий банкнинг вилоят бош бошқармаси, вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси, вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси, вилоят «Хунарманд» уюшмаси ҳамкорлигида «Тадбиркорлик — обод турмуш гарови» лойиҳаси ташкил этилди.

Унга вилоятдаги касб-хунар коллежлари битирувчилари ҳамда вақтинча ишсиз ёшлар кенг жалб қилиниб, лойиҳа доирасида «Ёш тадбиркор — таракқиёт пойдевори» танлови ўтказилди. Ушбу танлов вилоят миқёсида ташкил этилиб, унинг асосий мақсади академик лицей ва касб-хунар коллежлари битирувчилари ҳамда вақтинча ишсиз ёшларнинг бизнес ғояларини қўллаб-қувватлаш ва бандликни таъминлашга қаратилган. Танловда эллик уч нафар ёш ўз бизнес режалари билан қатнашди. Улар орасидан ўнтаси энг яхши деб топилди. Ғолибларнинг бизнес лойиҳаларини молиялаштиришга энг кам иш ҳақининг юз баробаригача бўлган миқдорда, Марказий банк қайта молиялаштириш ставкасининг эллик фоиздан юқори бўлмаган фоиз ставкаларида имтиёзли микрокредит маблағлари ажратиш учун сертификат ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Ғолиблардан бири Аъзам Умаров. У миллий ширинликлар ишлаб чиқариш бўйича ўз бизнес режаси билан қатнашиб, ғолибликни қўлга киритди.

— Танловда уч фоизли бўлган 7,9 миллион сўм имтиёзли кредит олиш учун сертификатга эга бўлдим, — дейди Аъзам. — Энди ранг-баранг маҳсулотлар тайёрлаб, халқимизга ширинлик улашаман. Танловда тенгдошларим билан тажриба алмашиб, бир-биримиздан маслаҳат олдик.



Лойиҳа доирасида «Тадбиркорлик билан обод турмуш сари» шиори остида тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар кўргазмаси ҳам бўлиб ўтди. Унда 46 нафар хунарманд ва 19 нафар маҳсулот ишлаб чиқарувчи тадбиркор иштирок этди. Кўргазма якунида «Энг яхши ишлаб чиқариш корхонаси» номинацияси бўйича Косон туманидаги «Мафтункор» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Баходир Мўминов, «Энг яхши ёш корхона раҳбари» номинацияси бўйича Қамаш туманидаги «Тожимўмин ота» фермер хўжалиги раиси Ботир Мўминов, «Энг яхши кўргазма» номинацияси бўйича шаҳридабзлик ёш хунарманд Ҳафиза Муродова, «Энг яхши ёш хунарманд» номинацияси бўйича Чироқчи туманидан келган хунарманд Азиза Шарипова ғолибликни қўлга киритди. Ғолиблар диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

«Ишга марҳамат!» номли бўш иш ўринлар ярмаркаси иш излаётган ёшларнинг яқин кўмакчасига айланди.

Ярмаркада вилоятдаги саксонта корхона ва ташкилот беш юздан ортиқ иш ўринлари билан қатнашди. Меҳнат ярмаркасида юзлаб тенгдошларимиз ўз мутахассисликлари бўйича ишга жойлашиш учун корхона ва ташкилотлар билан шартномалар имзолашга муваффақ бўлди. Жорий ўқув йилида касб-хунар коллежларини тамомлайдиган ўқувчилар эса ярмаркада уч томонлама шартномалар имзолашга эришди. Улар касб-хунар коллежларини тугатгандан сўнг ушбу шартномалар орқали ишга қабул қилинади.

Лойиҳа доирасида 18 дан 30 ёшгача бўлган 850 нафар касб-хунар коллежлари битирувчиси ва маҳаллаларда вақтинча ишсиз бўлган ёшлар қамраб олинди. «Тадбиркорлик — обод турмуш гарови» лойиҳаси маданий тадбир билан ўз якунига етди.

Махлиё АБДУРАҲМОНОВА, «Камолот» ЁИХ Қашқадарё вилояти кенгаши қошидаги «Ёш тадбиркор» консультатив маркази раҳбари

МАМЛАКАТИМИЗНИ ЯНГИЛАШ ЖАРАЁНЛАРИДА МАҲАЛЛАНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ ТОБОРА ОШИБ БОРМОҚДА

(Давоми,
боши 1-бетда)

Одамлар, айниқса, болалар ва ёшларнинг интеллектуал, эстетик ва маданий эҳтиёжларини янада тўлиқ таъминлаш учун барча зарур шароитлар яратишга ҳам катта эътибор қаратилган. Шу мақсадда Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимидаги клуб муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш орқали 2013-2018 йилларга мўлжалланган Маданият, санъат ва аҳолининг дам олиш марказларини ташкил этишга доир Давлат дастурини ишлаб чиқиш режалаштирилган. Унинг ҳаётга татбиқ этилиши аҳолининг мазмунли дам олишини ташкил қилиш, халқ ижодиётини ривожлантириш, маданият муассасаларини юқори маънавият кадрлар билан таъминлашга хизмат қилади.

«Обод турмуш йили» Давлат дастурида 2013-2015 йилларда қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлашни кенгайтиришга доир белгиланган комплекс тадбирлар шаҳарлар ҳамда маҳаллалар ҳудудларида санитария-экологик вазиятни янада яхшилашга қаратилган. Чиқиндиларни йиғиш бўйича фаолият кўрсатётган пунктларни модернизация қилиш ва янгиларини ташкил этиш, замонавий контейнерлар билан жиҳозлаш, шунингдек, махсус техника

паркинни мамлакатимизда ишлаб чиқарилган машиналар ҳисобидан янгилаш шулар жумласидандир. Маиший чиқиндиларни йиғиш, транспортровка ва утилизация қилиш бўйича ҳақон амалиётида синовдан ўтган услублар жорий этилади. Тошкентда қаттиқ маиший чиқиндиларни бошқариш тизимини модернизация қилишга оид инвестиция лойиҳасини амалга ошириш кўзда тутилган. Кейинчалик бундай лойиҳалар мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам амалга оширилади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ишлари давом эттирилади, бу борада тегишли ҳудудий дастурлар қабул қилинади. Чунончи, уларнинг биноларини реконструкция қилиш ва таъмирлаш, компьютер ва бошқа техника воситалари, мебель билан таъминлаш, янги маҳалла гузарларини ташкил этиш ҳамда уларга туташ ҳудудларни ободонлаштириш кўзда тутилган.

Жорий йилда қишлоқ жойлардаги маҳаллаларда янги иш ўринлари яратиш, яшаш жойида маиший хизматлар кўрсатиш билан шуғулланаётган яқка тартибдаги тадбиркорларга солиқ имтиёзларини бериш дастурини амалга ошириш давом эттирилади. Бу эса қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасини яна-

да ривожлантиришга ёрдам беради.

Ёрдамга, меҳр-мурувватга муҳтожлар ҳақида ғамхўрлик қилиш халқимизга хос азалий фазилатлардан бўлиб, истиқлол йилларида улар янада ривожланмоқда. Аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлашда давлат тузилмаларидан ташқари жамоат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам фаол иштирок этмоқда.

«Обод турмуш йили» Давлат дастурини амалга ошириш доирасида оилалар, болалар, ёлғиз қариялар ва ногиронларни ҳам моддий, ҳам маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланган. Масалан, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатилади ва болани вояга етказиш бўйича ижтимоий нафақалар тўланади. Қаровга муҳтож ёлғиз қариялар ҳар ой тегишли моддий ёрдам олади. Маҳаллаларда истиқомат қилаётган ёлғиз пенсионерлар, ногиронлар, боқувчисини йўқотган оилаларга куз-қиш мавсуми арафасида уйлари таъмирлашда ёрдам кўрсатилади. Наврўз, Мустақиллик байрамлари, Хотира ва қадрлаш куни арафасида эса кам таъминланган оилалар, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига совғалар топширилади, улар учун маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилади.

Маҳалла мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлодни миллий ва умумбашарий қадриятлар, ватанпарварлик, инсонпарварлик, жамият олдидаги ўз бурчи ҳамда масъулиятини чуқур англаш руҳида тарбиялаш бўйича амалга оширилаётган улкан ишларда муҳим ўрин тутмоқда. Бу борада оила, маҳалла ва таълим муассасаларининг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш учун жорий йилда «Маҳалладан бошланур Ватан» шиори остида комплекс маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилади. Маҳаллалар раислари иштирокида ўтказилган «Меҳрдан яшнар кўнгиш», «Бир болага етти қўшни ота-она» фототанлови, шунингдек, «Энг яхши маҳалла», «Энг намунали оила», «Энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи», «Намунали профилактика нозири» каби кўрик-танловлар шулар жумласидандир.

Мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш, оила институтини мустаҳкамлаш, ёш авлодни тарбиялаш, аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш, жамоатчилик назорати ва ижтимоий шерикликни ташкил этишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг нуфузи ҳамда аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда маҳаллий

ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш амалга оширилаётган кенг қўламли ишлардан жаҳон ҳамжамиятини кенг ҳардор қилиш мақсадида 2013 йилда маҳалла институтининг ташкил топиши ва ривожланиш тарихи ҳақида ҳужжатли фильм, халқимиз бирлиги ҳамда аҳиллигини, жамиятимизда тинчлик-тотувликни таъминлашда маҳалланинг ўрни ҳақида ҳикоя қилувчи бадиий фильмни сурагга олиш режалаштирилган. Ушбу мавзуга бағишланган «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» номли китоб, «Жамиятимизда ҳеч ким ўзини ёлғиз ҳис этмаслиги керак» мавзусида илмий-оммабоп рисола чоп этилади.

Мухтасар айтганда, «Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши мамлакатимизда барқарорлик, тинчлик-тотувликни мустаҳкамлаш, халқимиз салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, барча жабҳада ҳаётга татбиқ этилаётган кенг қўламли ишларни янада чуқурлаштириш, шунингдек, бу жараёнда давлат органлари ва фуқаролик жамиятининг маҳалла каби муҳим институтлари ҳамкорлигини кенгайтиришга хизмат қилади.

ЎЗА

«Камолот» боғи, фитобар ва чемпионлар бурчаги



Бу йигит сира тиниб-тинчимайди. Ҳар ойда бўлмаганда битта яхши лойиҳани амалга оширмасанга ҳисоб эмас. «Камолот» боғи ана шундай хайрли ишлардан биридир. Етакчининг саъй-ҳаракати билан коллеж ҳудудидаги бўш ётган каттагина ер майдони ободонлаштирилиб, кўркем боғ ҳолига келтирилди. Айни пайтда уерда иссиқхона ҳам ташкил этилган. Қиш бўйи иссиқхонада беш-олти хилдаги доривор ўсимликлар парваришланди. Бундай фаолият ўқувчилар

учун фойдалилигини айтмайсизми? Ахир, ҳозир Зангиота тиббиёт коллежида фармация таълим йўналишида ҳам мутахассислар тайёрланмоқда. Ўқувчилар ўқишдан кейин иссиқхонага келиб, амалий билимларини бойитишлари мумкин.

— Кўчатлар мевага киргач, коллежда фитобар очмоқчимиз, — дейди Шерзод Рўзиев. — Унда ўқувчилар доривор ўсимликлардан турли дамламалар тайёрлаш сирлари ҳамда уларнинг фойдали хусусиятларини ўрганиш

Зангиота тиббиёт коллежида «Камолот» боғи яратилди. Яна «Чемпионлар бурчаги» ташкил қилинмоқда. Яқинда коллеж ўқувчилари ўртасида «Қувноқлар ва зукколар» беллашуви ҳам ўтказилган эди. Хуллас, янгиликлар жуда кўп. Барчасининг ташаббускори эса, коллеждаги «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилоти етакчиси Шерзод Рўзиев.

имконига эга бўлишади. «Камолот» боғининг ўзида эса нок, олма, хурмо каби мевали, шунингдек, бир неча турдаги манзарали дарахтларни етиштиряпмиз. Бу иш ёшларнинг бўш вақтини фойдали меҳнатга жалб этишга ёрдам беради.

Зангиота тиббиёт коллежи «Камолот»чилари учун яна бир фойдали меҳнат спорт билан шуғулланишдир. Шунинг учун бўлса керак, улар ичида чемпионлар талайгина. Масалан, биринчи ва иккинчи курс ўқувчилари Азизбек Каримов, Соиб Зухриддинов ҳамда Дилмурод Нуриддинов эркин кураш бўйича Ўзбекистон ва халқаро тур-

нирлар ғолиблари. Ака-ука Шавкат ва Дониёр Тўйчиевлар эса, таэквондонинг ITF йўналиши бўйича мамлакат ўсмирлар терма жамоаси аъзолари ҳисобланади. Ушбу чемпионларнинг ютуқларини тенгдошлари орасида оммалаштириш ва шу орқали ёшларни спортга кенг жалб этиш мақсадида Шерзод Рўзиев коллежда «Чемпионлар бурчаги»ни ташкил этишга қарор қилди. Антика голя, шундай эмасми?!

Ёшлар ўртасида ҳуққубзарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш жуда долзарб масала. Мазкур муаммо билан турли усуллар ёрдамида курашиб келинапти.

Зангиота тиббиёт коллежи «Камолот»чилари қўллаётган усул эса, жуда оддий. Яқинда улар бирлашиб коллежда «Қувноқлар ва зукколар» лигасига асос солишди. Лига беллашувларида ҳар бир курсдан биттадан жамоа иштирок этмоқда. Дастлабки ўйин аншлаб билан ўтгани ёшлар ўткир мавзуларга ўткир юмор орқали ҳам ўз муносабатини билдира олишларини исботлади. Энди «Қувноқлар ва зукколар» беллашувлари коллежда мунтазам равишда ташкил этилади.

Бугун Зангиота тиббиёт коллежидаги «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилоти ва унинг етакчи-

«Kamolot» hududi

си Шерзод Рўзиевни ҳақли равишда бошқа ёшлар жамоаларига намуна қилиб кўрсатса арзийди. Ҳарқалай, Ҳаракатнинг ҳудудий кенгаши мутасаддилари ҳам шу фикрда. Мана, сизга натижа — ўтган йили Тошкент вилоятида «Ватан тараққиётига менинг ҳиссам» шиори остида ўтказилган ёшлар фестивали доирасида Шерзод Рўзиев «Йилнинг ўрта махсус таълим муассасасидаги намунали «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилоти етакчиси» номинацияси ғолиби бўлди. Шунингдек, у «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — мамлакат тараққиёти ва жамият фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати» мавзусидаги ҳуқуқий тарғибот тадбирларида фаол иштироки учун Ҳаракатнинг Марказий Кенгаши томонидан фахрий ёрлик билан тақдирланди.

Шерзод Рўзиев навбатдаги режаларни амалга ошириш тадоригида. Бу серғайрат етакчидан янги лойиҳаларни кутиб қоламиз, албатта.

Наргиза УМАРОВА,
«Turkiston» муҳбири

Спорт ўйинлари ўзаро ҳурмат билан гўзалдир

Бу йил Бухоро вилоятида талаба-ёшларнинг Универсиада спорт ўйинлари ўтказилади. Шу муносабат билан республикамизнинг кўплаб олий таълим муассасаларида спортсевар ёшлар мураббийлари кўмагида унга қизгин ҳозирлик кўришмоқда. Жумладан, мезбонлар ҳам. Умуман, Бухорода нафақат спортчи-талаба-ёшлар, уларнинг мураббийлари, балки вилоят аҳли тайёргарлик кўраётир. Ахир, ёшларнинг улкан спорт байрамиди чиройли ўтказиш кўп жиҳатдан уларга боғлиқ-да.

Мухбирларимиз тайёргарлик жараёнлари ҳақида хабар қилишади.

БУХОРО

Бухоро юқори технологиялар муҳандислик-техника институтида Универсиадага тайёргарлик анча олдин бошланган эди. «Бухорокапиталқурилиш-сервис» ҳамда «Бухоро Penstal» қурилиш-таъмир бўлинмаси бунёдкорлари томонидан барпо этилган янги спортзал бугун Универсиада иштирокчиларига мунтазир. Спортзал фойесига телевизор ва юмшоқ мебеллар ўрнатилган, истаганлар машғулот ёки беллашувдан сўнг маданий ҳордиқ чиқариши учун. Қолаверса, спортзалнинг ўзи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан қарийб 104 миллион сўмлик замонавий спорт жиҳозлари билан таъминланганки, талабалар фақатгина Универсиада спорт ўйинларидагина эмас, ўзлари хоҳлаган пайтларда ҳам бу жиҳозлардан фойдаланишлари мумкин.

Институтдаги мавжуд тагин иккита спортзал ҳам капитал таъмирдан чиқарилиб, мутлақо ўзгача кўркак эга бўлди. Йўқ, фақатгина чиройли бўлиб қолмасдан, балки улардаги шароитлар ҳам яхшиланди. Яроқсиз ҳолга келиб қолган иситиш қувурлари алмаштирилди. Комплекс тарзда ичи ва атрофи металл панжаралар билан ўралди. Қисқаси, институтда савлат тўкиб турган учта замонавий спортзал бугун кўзни қувнатади.

Пластик ўриндиқлар ўрнатилган хандбол, баскетбол майдончалари ҳамда иккита теннис корти, волейбол ва мини футбол майдончалари ҳам қайта таъмирланиб, атрофига асфальт ётқизилди.

— Институтимизда 18 га 36 метр ҳажмда 450 ўринли ошона ҳамда етти қаватдан иборат

рат 410 ўринли талабалар тураржойи капитал таъмирдан чиқарилди. Ҳар бир қават фойесига иккитадан — жами ўн тўртта телевизор, мебеллар қўйилиб, янги гиламлар тўшалди, — дейди БухЮТМТИ жисмоний маданият ва спорт кафедраси мудири Маҳмуд Раҳимов. — Спорт ўйинларида институтимиздан йигирма уч нафар талаба стол тенниси, дзюдо, миллий ва белбоғли кураш, қўл тўпи, енгил атлетика, шахмат, футбол, сузиш ва волейбол бўйича қатнашади. Албатта, энг муҳими, Универсиадада қандай қилиб бўлмасин, ғолиб чиқиш эмас. Энг муҳими, талабаларимиз ўзларининг намунали хатти-ҳаракатлари, мезбонликка хос илтифотлари, чиройли муомалалари билан тенгдошлари эътиборини қозонсин. Менимча, ҳақиқий спорт байрами ёшларнинг ўзаро дўст-иноқлиги, аҳиллиги билан барчанинг эътиборини тортади.

Талаба-ёшларнинг аjoyиб спорт анжуманига ҳозирлик Бухородаги бошқа олий таълим муассасалари, гўшаларида ҳам давом этаёпти.

Лайло ҲАЙИТОВА,
Бухоро вилояти

АНДИЖОН

Андижон вилояти олий таълим муассасалари талаба-спортчиларидан тузилган вилоят терма жамоаси «Универсиада — 2010» спорт ўйинларининг республика финал босқичида умумжамоа ҳисобида фахрли иккинчи ўринни эгаллаган эди. Вилоят вакиллари 29 та олтин, 23 та кумуш, 29 та бронза медални қўлга киритишганди. Айниқса, вилоят волейболчи талабаларидан иборат жамоа, хандболчи қизлар,



стол тенниси, белбоғли кураш вакиллари иштироки жуда аjoyиб бўлган, улар олтин медалларга сазовор бўлишган эди. Ўша зафарли одимларни давом эттириш мақсадида андижонлик талаба-ёшлар бу йилги спорт ўйинларининг финал босқичига ҳам астойдил тайёргарлик кўрмоқда.

Ўтган йилнинг декабр ойида вилоятдаги олий ўқув юрлари ўртасида Универсиадининг иккинчи босқичи ўтказилиб, вилоят терма жамоаси шакллантирилди. Ҳозирда ўн икки спорт тури бўйича ёшлар ўқув-машғулоти йиғинларини ташкил этишяпти.

Мутахассислар қизлар ўртасида хандбол бўйича вилоят терма жамоаси аъзоларига катта умид боғламоқдалар. Андижон шаҳрида 2010 йили ўтказилган Универсиада спорт ўйинларининг республика финал босқичида ғолибликни қўлга киритган Сурайё Насриддинова, Нигора Маткаримова, Севара Келдиёрова сингари хандболчи қизлар бу йилги спорт ўйинларида ҳам қатнашишга яқин туришибди. Улар билан бирга илк бор спорт ўйинларида иштирок этадиган қизлар ҳам астойдил шуғулланишяпти. Вилоят терма жамоаси бош мураббийи Баҳодиржон Содиков машғулотларнинг самарали ўтиши учун қизгин ишлаяпти.

«Универсиада — 2013» спорт

ўйинларининг иккинчи босқичи дастурига киритилган дзюдо мусобақалари Андижон қишлоқ хўжалиги институти спорт мажмуасида ўтказилиб, унда Андижон давлат университети жамоаси ғолиб бўлди. Университет талабаларидан Нуриддин Тилаволдиев, Достон Шаропов, Илҳом Носиров, Сухроб Остонаев, Ислон Азимов, Андижон



қишлоқ хўжалиги институтидан Шароф Лутфуллаев, Олимжон Содиков ўз вазн тоифасида 1-ўрин соҳиби бўлиб, вилоят терма жамоаси таркибидан жой олишди.

Андижонлик дзюдочи талаба-ёшлар ўтган галги Универсиадада умумжамоа ҳисобида кучли учликка кирган эдилар. Улар шу кунларда тажрибали мураббий Дониёр Ёкубов қўл остида машғулотларга зўр беришмоқда.

Баскетбол, волейбол, футбол, стол тенниси, теннис, шахмат, сузиш, енгил атлетика, белбоғли кураш, кураш бўйича вилоят терма жамоалари Андижон давлат университети, Андижон тиббиёт институти, қишлоқ хўжалиги, машинасозлик институтлари талабаларидан ташкил топган.

Мухаммаджон КАРИМОВ,
Андижон вилояти

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН

Кўпчилигимиз спорт мусобақаларини кўриб ўрганиб қолганмиз. Уларда спортчилар ғолиблик учун гоҳо бир-бирини аямасдан курашадилар. Чунки асл муддао совриндор

бўлиш бўлади. Мамлакатимизда йўлга қўйилган уч босқичли спорт ўйинларида эса тамомила бошқа манзарага гувоҳ бўлиш мумкин. «Умид ниҳоллари»да ҳам, «Баркамол авлод»да ҳам, Универсиадада ҳам ёшлар чинакамига спорт байрамиди хосил қилишади. Ундаги кайфият, руҳ шундай қувноқ, дўстона кечадики, кўрганлар ҳасад қилмай иложлари қолмайди. Қорақалпоғистонлик тенгдошларимиз бу йилги ёшлар спорт байрами — Универсиадага тайёргарлик кўришар экан, чинакамига завқу шавқ билан ҳаракат қилишмоқда.

Қорақалпоғистон олий таълим муассасаларидан спорт ўйинларига ҳозирча 115 нафар тенгдошимиз қатнашиши аниқ. Шунингдек, апрель ойида волейбол бўйича ҳудудий саралаш босқичи ўтказилади. Демак, уларнинг сони янада ортиши мумкин.

— Универсиада спорт ўйинларининг республика финал босқичида иштирок этиш бир талабага бир ёки икки мартагина насиб этиши мумкин, — дейди Қорақалпоқ давлат университети жисмоний тарбия факультети ўқитувчиси Аллаёр Казаков. — Шу боис шогирдларимга мана шундай имкониятдан самарали фойдаланиш кераклигини ўқтираёман. Спорт ўйинлари жуда катта тажриба майдони, аслида. Бу

ерга оддий мураббийлар ёки оддий талабалар келишмайди. Камда улар билан тажриба ва фикр алмашиш, дўстлашиш мумкин. Нега энди шундай имкониятдан фойдаланмаслик керак?

— Бухорода мен бор имкониятларимни ишга солмоқчиман, — дейди Қорақалпоқ давлат университети талабаси Ислонбек Аллаёров худди профессионал спортчилар каби. Унинг ўзига бўлган ишончига қўйил қоламиз. — Универсиада спорт ўйинларида илк бор қатнашяпман. Лекин ҳаяжонланаётганим йўқ. Бўлса ҳам у ҳадидан эмас, қувончдан. Сабаби мураббийларимиз бизни руҳлантиришмоқда. Машғулотларни яхши ўтказса олак, ғолиб бўлишимизга ишонаман.

Нукус давлат педагогика институти, Тошкент давлат аграр университети Нукус филиалида ҳам машғулотлар олиб бориляпти. У ерда тенгдошларимиз футбол ва теннис бўйича шуғулланишмоқда. Бошқа спорт турлари бўйича ҳам тайёргарликлар қизгин.

Кумар БЕГНИЯЗОВА,
Қорақалпоғистон
Республикаси



Онадек азиздир устозлар меҳри

Дунёда устоздан ҳам буюкроқ зот йўқ. У ўз бағридаги шогирдларини худди фарзандлари янглиғ меҳр ила ардоқлайди, бутун қалб қўрини уларга бахшида этади. Халқаро хотин-қизлар куни олдида Окқўрғон туманидаги умумтаълим мактабларида фаолият юритаётган устоз-муаллималар билан бўлган мулоқотимиз дилдан суҳбатга айланди.

Тумандаги 17-мактабда ўз касбига меҳр қўйган устозлар анчагина. Мамлакат Худойкулова, Муқаддас Мамирова, Сохиба Ҳотамова, Раъно Хун-охунова, Марҳамат Жўраева, Тожихол Алиматова, Гулнора Расулова сингари илғор ўқитувчилар мактаб фахри ҳисобланади. Ана шундай фидойи, изланувчан ўқитувчилар меҳнати туфайли ўқувчиларнинг билим сифати янада мустаҳкам бўлиб бормоқда. Фан хоналарининг тўлиқ замонавий жиҳозга эга эканлиги, йигирмадан ортиқ фан ва спорт тўғарақларининг мунтазам фаолият юритаётганлиги яхши самара бермоқда.

Дарҳақиқат, мактабда яратилган барча қулайликлар ўқувчиларнинг пухта билим эгаллашларига қаратилган. Албатта, бунинг самараси ўлароқ, мактаб ўқувчилари фан олимпиадаларида муваффақиятли қатнашиб, фахрли ўринларни қўлга киритишяпти. «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг туман босқичида мактабнинг баскетболчи қизлари фаол қатнашган бўлса, «Шунқорлар» спорт мусобақасида мактаб жамоаси икки марта вилоят босқичида совринли ўринни эгаллади.

Мактабда ўқувчи-қизлар тарбиясига алоҳида эътибор билан ёндашилади. Ҳозирда «Қизлар клуби», «Ораста қизлар» тўғараги фаол иш олиб

борапти. Айни кунларда эса инглиз тилини ўрганиш бўйича ишлар жадаллаштирилган. Эътиборли жиҳатлардан яна бири — мактабда маданият клубининг иши диққатга сазовор. Унда ўтказилаётган турли хил тадбирлар ўқувчилар фаоллигини ошириб бормоқда.

Жорий йилда мактабни 42 нафар ўқувчи тамомлайди. Уларни ўзлари танлаган касбга йўналтириш бўйича кенг қамровли ишлар олиб бориляпти. Ҳозирда тумандаги бешта коллеж билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатилган. «Касбларга саёҳат» тадбири, шунингдек, турли касб эгалари билан доимий равишда учрашувларнинг ташкил қилиниши одат тусига кирган. Қолаверса, мактаб жамоасининг маҳалла ва ота-оналар билан доимий ҳамкорликда, режа асосида иш олиб бораётганлиги эътиборга молик.

Окқўрғон туманидаги ўзига хос мўъжаз билим даргоҳларидан бири 42-мактабдир. «Кичкина, деманг бизни...» қабилда иш олиб бораётган мактаб жамоаси яхшигина ютуқларни қўлга киритиб келяпти. Энг муҳими эса, устоз-муаллималар қалбида ғайрат-шижоат мужассам.

Ўғилой Абдураимова, Лола Бахтиёрова, Мунаввар Маликова, Наргиза Эсонова син-



гари илғор ўқитувчиларнинг саъй-ҳаракати, изланишлари туфайли мактабда иқтидорли, билимдон ўқувчилар сони йилдан-йилга кўпайиб бораётганлиги қувонарлидир. Зиёлилар оиласининг вакили, ғайрати жўш урган, тиниб-тинчимас Гулойим Каримова доимо уларга бош-қош, онадек меҳрибон.

Теннис ва рақс тўғараги доимо ўқувчи-қизлар билан гавжум. Рақс йўналиши бўйича учинчи синф ўқувчиси Зилола Баратуллаева «Янги авлод» болалар ижодиёти фестивалининг вилоят босқичида муваффақиятли қатнашган бўлса, ўтган йили «Йил психологи» танловида иштирок этган ёш ўқитувчи Шаҳноза Шодиева вилоятда иккинчи ўринни эгаллади.

Чиндан-да мактабда иқтидорлилар сони тобора ортиб борапти. Чунончи, саккизинчи синф ўқувчиси Азиза Холмирова пианино чалишни мукамал эгаллаган. Бешинчи синф ўқувчиси Зулайхо Орифжонова тўқиш

бўйича анча маҳоратини оширган. Шунингдек, бешинчи синф ўқувчиларидан Хусниддин Зиёвдинов ва Диёрбек Боймирзаев тасвирий санъатга меҳр қўйган. Айни пайтда 5-синф ўқувчиларидан иборат раққоса қизлар гуруҳининг барча тадбирларда фаол иштирок этаётганлиги кишини қувонтиради.

— Мактабимизда тарбиявий соатлар мунтазам ўтказиб борилади, — дейди биз билан суҳбатда Гулойим Каримова. — Айниқса, мактабимизнинг жамоат ишларида Алина Темирбоева, Абдусоли Худойбердив, Анвар Маматов каби фаол ота-оналарнинг иштироки, ташаббуси кўпчиликка намуна.

Хуллас, тумандаги икки мактабда бўлганимизда олиб борилаётган таълим-тарбиявий жараёнларни кўриб, онадек азиздир устозлар меҳри, дегимиз келди.

**Ашурали БОЙМУРОД,
«Turkiston» мухбири**

Ta'lim maskanlarida



Трамвай ўғирлари

Украинанинг Львов вилоятида трамвай ўғирланди. Қош қорайганда деподан номаълум шахслар томонидан олиб кетилган трамвай ярим тунда Замарстиновск ва Гайдамацк чорраҳасида, рельсдан чиқиб кетиб, бинога урилган ҳолда топилган.

Бешинчи йўналиш бўйича ҳаракатланадиган жамоат транспортининг номаълум бошқарувчилари воқеа жойидан изсиз ғойиб бўлган. Шунингдек, бахтли тасодиф туфайли бу тартибсизлик ҳеч кимга тан жароҳати етказмади. Маълумотларга қараганда, ўғирлики содир этганлар ўсмир ёшидаги болалар бўлиши мумкин. Эслатиб ўтамиз, бундан олдин Швейцариядаги йўловчи поезда фаррош томонидан ўғирланган эди. Ушанда воқеа бир жамоат тураржойининг бузилиши билан якунланган.

Парадокс

Зимбабвенинг давлат раҳбари ўз туғилган кунини дабдаба билан нишонлади.

Роберт Мугабе 89 ёшни қаршилар экан, 600 минг АҚШ доллари сарфлади. Байрам тортини олмос билан шуғулланувчи «Mbada Diamonds» компанияси тайёрлади. Шунингдек, тилла ва олмослар билан безатилган тортининг оғирлиги 89 килограммга тенг бўлса, осмонга яна ўша кун 89 та ҳаво шари учурилди. Биндура шахрида ўтказилган байрамга тахминан мингга яқин меҳмон ташриф буюрди. Янги байрам муносабати билан иш вақtlари қисқартирилиб, барчага ҳовли кўчаларни тоза тутишни назоратга олиш буюрилди. Бундан олдинги рекорд натижа ҳам айнан шу раҳбарга тегишли эди. Мугабе 85 ёшни қаршилаётганда дунёдаги энг қиммат таом ва ичимликларни келтирганди.

Эслатиб ўтамиз, Зимбабве ҳозирда кучли иқтисодий инқирозни бошдан ўтказмоқда.

Меҳмонга боришган эди

Мисрда туристлар бўлган ҳаво шарининг қулаши оқибатида 19 киши вафот этди.

Миср хавфсизлик хизмати хабарларига кўра, бортида 21 киши бўлган шарда қисқа туташув натижасида газ баллони портлаб кетган. Шундан сўнг ҳаво шари нақ 300 метр баландликдан Луксорнинг ғарбий қисмига, яъни шакарқамиш экилган майдонга қулаган. Маълумотларга қараганда, ҳаво кемасида икки француз, тўққиз хитойлик, тўртта япон ва яна икки инглиз фуқароси бўлган. Ҳозирча яна икки кишининг қайси давлат фуқароси эканлиги ошкор этилмапти. Айни дамда пилот ҳамда бир турист тирик қолган. Миср шифохонасида даволанаётган бу фуқаролар тўғрисида ҳеч қандай маълумот берилмапти.

**Интернет манбалари асосида
Жавоҳир КАРОМАТОВ тайёрлади**

Меҳр тўла кўзингиз...

Интилиш ва меҳнат инсонга ҳамшира бахт ва омад келтиради. Ўз касбидан ва бажарётган ишдан мамнунлик ҳис этиб яшай олган кишигина доимо одамлар оғирини енгил қилишга қодир. Ширин шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли акушерлик мажмуасининг бош акушер-гинеколог Зиеда Усмонова инсонлар дардига малҳам бўлиб яшашни ҳаётининг чин мазмуни деб билади.

Тиббиёт академиясини тамомлаб, ўзининг кадрдон шахрида шифокорлик фаолиятини бошлаган Зиеда опа қарийб ўттиз йилдан ошибдики, ўз касбига садоқат ила меҳнат қилиб келяпти. Шаҳар ва вилоят шифокорлари орасида билимдонлиги, ташаббускор ва меҳнатсеварлиги билан алоҳида ажралиб туради. Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш борасида доимо янгиликка интилади.

— Юртимизда соғлом онадан соғлом бола туғилишига алоҳида эътибор би-

лан қаралаётган бир пайтда биз, шифокорларнинг масъулияти янада ортомқда, — дейди Зиеда опа. — Оилада тиббий маданиятни юксалтириш, эртанги авлодларимизнинг соғлом ва баркамоллигини таъминлаш нафақат шифокорлик, балки инсонийлик бурчимизга ҳам айланиши зарур.

Дарҳақиқат, акушерлик мажмуасида бўлганимизда бу борада сезиларли ишларнинг амалга оширилаётганига шохид бўлдик. Туғиш ёшидаги аёлларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, эрта никоҳнинг олдини олиш, қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳга йўл қўймаслик, оилада тиббий маданиятга қатъий риоя қилиш, болага дўстона муносабатда бўлиш сингари масалалар мажмуа шифокорларининг доимий назоратида.

Айнан акушер-гинекологлар ҳамда болалар шифокорлари Зиеда опа етакчилигида боғча ва мактабларда, коллеж ва маҳалларда бўлиб, кенг қамровли тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришади. Албатта, бунга жамоат ташкилотлари, «Камолот» ЁИХ шаҳар кенгаши аъзолари ҳам жалб этилган.

«Репродуктив саломатликни мус-

таҳкамлаш зарурлиги», «Тиббий кўрикнинг аҳамияти», «Эрта ва қариндош-уруғлар орасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари», «Кўкрак сути — беминнат неъмат», «Соғлом она — соғлом бола» мавзуидаги маърузалар кўпчиликда илиқ таассурот қолдиргани рост.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, аёллар маслаҳатхонасида «Ёш оналар мактаби» ташкил қилинган. Мавлуда Бадалова, Ражабой Жўраева, Гулноза Рустамова каби тиниб-тинчимас шифокорлар меҳнати эътиборга молик. Ёш оналар билан тушунтириш ишларини олиб боришда эса Сайёра Шарипова, Матлуба Жўраева, Камола Исоқова, Бахтигул Нурматова сингари болалар шифокорлари меҳнати эътирофга муносиб. Зиеда опа ана шундай аҳил жамоанинг бошини қовуштира олган.

8 март — Халқаро хотин-қизлар куни арафасида Зиеда Усмонова ва унинг етакчилигида иш олиб бораётган мажмуанинг шифокор аёлларини баҳор ва гўзаллик байрами билан табриклаб, эл саломатлиги йўлида олиб бораётган ишларига омад тилаб қоламиз.

Содиқ ТўРАЕВ

E'tirof

Муносиблик туйғуси

Tengdosh so'zi

Ҳар гал дарсликларда буюк боболаримизнинг оламшумул кашфиётлари ҳақида ўқиётганимда, ҳаёлимдан шундай фикр ўтади: ўз даврининг талотўплари, қийинчиликларига қарамай, ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улуғбек сингари боболаримиз ёшлиқдан илмга қизиқиб, умрларини эл-халқ учун фойдали кашфиётларга бахшида этган. Агар уларда биздаги шароитлар, имкониятлар бўлганда, эҳ-ҳе, нималар қилишмасди..

Шуларни ўйларканман, ўзим таҳсил олаётган лицей мисолида тенгдошларимга билим олишлари учун юртимизда яратилган шароитларни кўнглимдан ўтказаман. Устозлари-

мизнинг айтишича, таълим сифати юртимизда йилдан йилга ошиб, барча билим масканларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланмоқда.

Бизнинг лицей ҳам бу имкониятлардан четда қолгани йўқ. Унда барча фанлар чуқурлаштирилган, замонавий таълим андозаларига мос ўтилиши учун махсус аудиториялар лаборатория ускуналари, компьютер жиҳозлари билан таъминланган. Дарсдан бўш вақтларимизда қизиқшимизга қараб, турли тўғараклардаги машғулотларга қатнашимиз.

Аудиторияларда дарсларимиз доимо илмий баҳслар билан ўтади. Дейлик, муҳим бир тарихий ҳодиса ҳақида гап кетганда, ўқувчи тенгдошларимдан бири унинг пайдо бўлиш сабаблари нималарга боғлиқ эканини дарсликда ўқигани бўйича айтса, бошқа бир тенгдошим, йўқ, мен ўқиган манбада бу

ҳақда бошқача ёзилган, дейди. Қарабсизки, хилма-хил фикрлар юзага келади. Шунда ўқитувчимиз далиллар асосида илмий баҳсимизга ечим кўрсатади.

Юртимиздаги байрам тантаналарини телевизорда томоша қиларканман, Президентимизнинг ҳар гал биз, ёшларга мурожаатидан, юксак ишончидан фахрланаман. Бу ишончга муносиб бўлишга қатъий аҳд қиламан. Менимча, ўша лаҳзаларда бу туйғу нафақат менинг, балки миллионлаб тенгдошларимнинг шууридан ўтиши шубҳасиз. Демак, биз — кўпчилигимиз, мақсадимиз битта, юрагимизда шу Ватанимиз, она халқимиз муҳаббати туғён урапти...

Алишер СУБҲОНҚУЛОВ,
Тошкент давлат юридик
институтининг қошидаги академик
лицей ўқувчиси



Металлург
маликалари

«Ўзметкомбинат» ОАЖдаги «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилоти томонидан касаба уюшмаси билан ҳамкорликда корхонада меҳнат қилаётган аёллар ўртасида «Металлург маликаси» кўрик-танлови ташкил этилди.

Танловнинг саралаш босқичида 25 нафар иштирокчи юртимиз ва комбинат тарихи, адабиёт ва санъат соҳаларидаги билимлари ҳамда пазандалик маҳоратларини намойиш этишган эди. Улардан олти нафари финалга йўлланма олди.

«Металлурлар» маданият саройида бўлиб ўтган танловнинг якуний босқичида қизлар бешта шарт бўйича беллашишди.

— «Металлург маликаси» кўрик-танловини илк мартаба ўтган йили ўтказган эдик, — дейди «Ўзметкомбинат» ОАЖдаги «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилоти етакчиси Бекзод Қодиров. — Бу лойиҳа ёшларда катта қизиқиш уйғотди. Шу сабабли уни аънавий тарзда амалга оширишга қарор қилдик. Танлов шартлари орқали корхонамиз жамоаси ёш ҳамкасбларимизнинг профессионал ва шахсий сифатларини баҳолай олишяпти. Иштирокчилар учун эса, бу ўз истеъдодларини намоеён этиш учун яхши имконият.

Кўрик-танлов натижаларига кўра, комбинат марказий лабораторияси лаборанти Нигора Шукурова «Металлург маликаси» тожига сазовор бўлди. Корхонанинг мактабгача таълим муассасалари бўлими тарбиячиси Зарина Файзиевага иккинчи, электрда пўлат эритиш цехи ишчиси Дилором Тошпўлатовага учинчи ўрин насиб этди.

Ғолиблар диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Наргиза БАҲОДИРОВА,
«Turkiston» мухбири

YON DAFTAR CHANGIZGA

Ёлғон гапирмоқ ҳам худди ханжар зарби кабидир: жароҳат тузалиши мумкин, лекин унинг изи қолади.

Саъдий Шерозий

★	... Али ибн Сино	Кичик ресторан	Ўртаси	★	Хордиқ, ором	Гапнинг бош бўлағи	Машҳур автоком-пания номи	★	Катта рақс кечаси	Шарм-ҳаё	Заргар бойлиги	★	Мауган доно илони	...-садо	Қуш эрқағи
Жун мато	→	→	→	Машҳур автоком-пания номи	→	→	→	Г-шахс куплик	→	→	→	Оливер ... (дар-возабон)	→	→	→
Кичик ресторан	→			Заҳарли қурбақа	→			Нигерия-даги шаҳар	→			...-ука	→		
Ҳайқириқ	→			Суртма дори	→			Кулоқ шифокори	→			Юз йил	→		
★	Момо, буви (шевада)	Катта хол	Муҳаммад ... (боксчи)	★	Тағин	Муносиб, лойиқ	Чеглатмоқ, ишдан бошлатмоқ	★	Билан	Инкор	Тақдир қилса ... эгса	★	Жар-роҳлик асбоби	...-ишора	Жону...
Кўрсатиш олоғи	→	→	→	Кирўра, чиқинди ура	→	→	→	Ирина (қисқача)	→	→	→	Кон сурувчи ҳайрат	→	→	→
Қария	→			Ишва, карашма	→			Латвия пул бирлиги	→			Турман (актриса)	→		
Нишли ҳашорат	→			Ҳақиқий нусха	→			Тамом	→			Танадаги кувват	→		
★	Нон тури	Италия пойтахти	Улар (русча)	★	Араб ҳарфи	«...», «Зис», «Эил»	Лиммо-... тўла	★	Фасл	Она, ая	... билан безатилган	★	Туннинг тескариси	Ари (русчага)	Оз
Пардоз-андоз	→	→	→	Катта хона	→	→	→	Махфий рақам	→	→	→	Кема ошпази	→	→	→
Жаноб ...	→			Ўқувсиз, саводсиз	→			Сичконнинг ... минг танга	→			Россия-даги дарё	→		
...-жимиди	→			Текин бўлса, ... ютади	→			Қарама-қарши	→			Ҳўл	→		
★	Антик окс	Рангли металл	Оғиз (русча)	★	...одат	Фокусчи	Одиллик, тўғрилик	★	Тўтиқуш тури	Туберкулез	Наманган вил. туман	★	Уч товушлик	Эгам («Чарх-падалк» б/ф образ)	...-асроп
Фармон, буйруқ	→	→	→	Ини	→	→	→	От (форсча)	→	→	→	...-Бегас АҚШ	→	→	→
Катоннинг рақиб (Б/Ф)	→			... Томас (инглиз ёзувчиси)	→			... Гранде (дарё)	→			Ам... там...	→		
Теза, юза	→			Сохта башорат	→			Жамол (адиб)	→			Осилсанг балад ... осил (мақол)	→		

Тузувчи: Фахриддин Раҳимов